# *Бино-иншоотларини таъмирлаш тўғрисидаги Пудрат шартномаси*
# № 12

*Асака тумани* *21 декабрь 2022 йил*

Асака туман Халк Таълими фаолиятини таъминлаш ва ташкил этиш Асака тумани бўлими номидан харакатдаги Низоми асосида иш юритувчи, рахбари в/б У.Сулаймонов. бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва **"Monolit story lyuks" Масъулияти чекланган жамияти** Низомида берилган ваколат асосида харакат килувчи рахбари О.Шаропов иккинчи томондан кейинги ўринларда **«Пудратчи»** деб юритилувчи, объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Атамалар

**1.1. Мазкур шартномада қуйидаги атамалар қўлланилади:**
Бундан ташкари: **«жорий молиялаштириш»:** шартномада белгиланган ишлар кийматини, хакикатда бажарилган ишлар хажмидан келиб чиккан холда боскичма – боскич молиялаштириб бориш; «маблағ билан таъминловчи орган»: Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблағ билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги.

## II. Шартнома мазмуни.

**2.1.** Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик, Асака тумани Халк Таълими ***тасарруфидаги 29 мактаб жорий таъмирлаш*** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса курилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофик, зарур шароитлар яратиш, ишларни кабул килиш ва маблағ билан таъминловчи орган томонидан маблағ ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

**3.1.** Мазкур шартнома бўйича, Тендер (танлов) савдоси натижасида аникланган ва тендер (танлов) комиссиясининг карори **20.12.2022й. (Лот раками №209286) даги баённома** билан тасдикланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар киймати лойиха смета хужжатларига асосан ҚҚС билан **541 202 158 (Беш юз кирк бир минг икки юз икки минг бир юз эллик саккиз) *сўм***ни ташкил этади, шундан ҚҚС сўммаси **70 591 585 (Етмиш миллион беш юз туксон бир минг беш юз саксон беш*) сўм.***

**3.2.** Ишлар киймати ўзгармас хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас. Қуйидаги холларда нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:
- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;
- ишлар хажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;

**3.3.** Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**3.4.** Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

**4.1.** Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
- барча ишларни объектни лойиха-смета хужжатларига мувофик, шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;
- курилиш майдонига "Ўзбекистон Республикаси худудида курилиш-монтаж ишларини амалга оширишда кўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги"га киритилган ва кўлланишга мослик сертификатига эга булган, зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахборот бериш;
- шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолат-номага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
- объектда конунда белгиланган тартибда мехнат ва хавфсизлик техникасини таъминлаш;
- курилиш майдонини, ундаги курилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуна-ларни кўрикланишини таъминлаш.
- Пудратчи хисобот ойининг **25** санасидан кечикмаган холда Буюртмачига хакикатда бажарилган ишлар хажми ва киймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, хисобот хужжатларини (счёт-фактура) такдим килиши, бунда хисобот хужжатларига бажарилган ишлар, кўлланилган курилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошка керакли хужжатлар илова килиниши; **(форма 2, форма 3, форма 5,** *биринчи шахс, ҳисобчи, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ва иш юритувчилар томонидан имзолаган ҳолда*)
- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатларини ўрганиб чикиш, лойиха-смета хужжатларда аникланган нуксонлар хакида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вактида хабардор этиш;
- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш кисмларининг олдинги фотосурат-ларини Буюртмачига тақдим килиш;
- объектда курилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига такдим килиш.
- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига хужжат-лар тўпламини тақдим этиш;
- иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни курилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим қилиш.
- объектни курилишида юзага келадиган муаммолар, хал этилиши лозим бўлган масалалар хакида Буюртмачини дархол хабардор этиш;
- курилиш даврида Буюртмачи ва бошка назорат килувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган холда, улар томонидан аникланган камчиликларни ўз вактида, сифатли бажариш;
- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлик расмийлаштирилган фойдаланишга кабул килиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

**4.2.** Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб килинган холларда) намунавий шаклдаги ахборотни бериб туриши;

**14.3.** Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

**14.4.** Пудратчи шартнома бўйича ишларни тўлик бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, иншоотни кабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вактида расмийлаштирмаса, ўтказиб юборилган хар бир кун учун, объект шартномавий жорий қийматининг 0,01% миқдорида пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий сўммаси объектнинг шартномавий жорий қийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% миқдорида жарима тўлайди.

Пеня тўлаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

**14.5.** Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш холати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 фоизли кафолат тўлови ҳисобидан ушлаб колади.

**14.6.** Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекция» сининг хулосаси асосида объектни кабул қилиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50% миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

**14.7.** Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича келиб чикканда низони ҳал этиш учун иншоотни лойиҳасини ишлаб чиккан ташкилот ишга жалб қилинади. Лойиҳа-смета ҳужжатларидаги аникланган камчилик ва нуксонлар учун лойиҳа ташкилоти жавоб беради.

**14.8.** Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

**15.1.** Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан ҳал этадилар. Агар низоли масала ўзаро ҳал этилмаганда, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иктисодий суди томонидан ҳал этилади.

**15.2.** Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

## XVI. Алоҳида шартлар

**16.1.** Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга кадар шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

**16.2.** Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак. Хисобот йили якуни билан бажарилмаган (якунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага қўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

**16.3.** Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

**16.4.** Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳуқуки ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

**16.5.** Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Аникланган ҳолат бўйича томонлар ўртасида қўшимча келишув расмийлаштирилади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат оркали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.

**16.6.** Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусҳада тузилади ва тарафларда бир нусҳадан сакланади ҳамда конунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

**16.7.** Шартнома 2022 йил 31 декабр куни охирига кадар амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озод қилмайди.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

**"БУЮРТМАЧИ"**
Асака Халк Таълими Булими
Асака тумани Карвонсарой 8
ИНН: 200283141
Шхв: 401722860032277092100075023
Уз.Рес.Молия вазирлиги Газначилиги
х/р: 23402000300100001010
МБ ХККМ Тошкент шахар
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Рахбар: У.Сулаймонов.

**"ПУДРАТЧИ"**
**"Монолит строй люкс" Масъулияти чекланган жамияти**
Андижон вилояти, Асака тумани,
Бахрин маҳалла Анжирзор кўча -24 –уй

х/р: 20208000600255052001
ТИФ Миллий бани Асака филиали
МФО: 00893 ИНН: 302701842

**Рахбар:** **О.Шарипов.**

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

QW1553175734

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **9 maktab joriy ta'mir**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Asaka tumani xalq ta'limi tomonidan 22.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Asaka tuman yuridik markazi markaz rahbari:**

**S.B.TO‘XTASINOV**

22.12.2022